



SHARQSHUNOSLIK ВОСТОКОВЕДЕНИЕ ORIENTAL STUDIES

ILMIY JURNAL

ISSN 2181-8096



2014

№2

<i>Насриддинова М.</i> К интерпретации о согдоязычной Илийской стеле.....	93
<i>Сотиболдиев Ф.</i> Норбўтабийнинг ҳокимият тепасига келиши ва унинг хукмронлиги даврида сиёсий ислохотлар.....	98
<i>Азизов И.</i> Караванные пути и таможенный налог в Бухарском эмирате	104

ИҚТИСОД ВА СИЁСАТШУНОСЛИК // ЭКОНОМИКА И ПОЛИТОЛОГИЯ // ECONOMY AND POLITICAL SCIENCE

<i>Камалова З.</i> Генезис энергетической стратегии Европейского Союза по Центральной Азии	109
<i>Рахматуллаев Ш.</i> Состояние и проблемы развития экономики Узбекистана на начальном этапе реформ: исторический анализ	117
<i>Зиёев Ш., Саттаров Р.</i> Политика соседство ЕС на современном этапе....	126
<i>Ибрагимов Б.</i> Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиёда ядровий қуролдан ҳоли ҳудудни барпо этиш бўйича ташаббуси.....	130
<i>Каримов Ф.</i> Яқин Шарқ минтақасида араб-исроил ва курдлар муаммосининг ўзига хос хусусиятлари.....	136



ТИЛШ

Фо

Аннота
тида ажра
лаклари бил
ёритилган.

Таянч с
ниш усуллар

Аннота
ра, выраже
лексических

Опорны
морфологич

Summa
the separati
the relations
functional fe

Keywor
means, synt

Тилш
ни, унинг
билдирад
Аниқ

бу ҳолат
Ушбу
ни гап бў
тик тарк
функцио

Рус т
роф килм
М. Иванс

Рус т
скийнинг
Ф. Ус
чи бири

КАРИМОВ ФАРХОД

Катта илмий ходим-изланувчи, ТошДШИ

Яқин Шарқ минтақасида араб-исроил ва курдлар муаммосининг ўзига хос хусусиятлари

Аннотация. Мазкур мақолада араб – исроил ва курдлар муаммолари мисолида этносиёсий муносабатларнинг минтақавий барқарорликка таъсири кўриб чиқилади. Мазкур муносабатлар замонавий фаннинг фундаментал муаммоларидан бири ҳисобланади. Мазкур муносабатларнинг структураси ва таснифи, таътирокчилари ва ҳаракатлантирувчи кучлари, мақсад ва вазифалари, можароларнинг моҳиятига нисбатан хорижий олимларнинг қараишлари кўриб чиқилган.

Тяжнч сўз ва иборалар: этносиёсий муносабатлар, этник мансублик, араб – исроил ва курдлар муаммоси.

Аннотация. В статье предпринята попытка рассмотрения влияния этнополитических отношений в региональную стабильность на примере арабо-израильских и курдских проблем, которые являются одним из фундаментальных проблем современной науки. Рассмотрены структура и классификация, участники и действующие силы, цели и формы данных отношений, взгляды зарубежных ученых на сущность этих конфликтов.

Опорные слова и выражения: этнополитические отношения, этничность, арабо-израильская и курдская проблема.

Summary. In this article the author tries to examine the influence of ethno-political relations in regional stability in the example of Arab-Israel and Kurdish problems which are one of the fundamental issues of modern political science. The structure and classification, participants and active forces in conflicts, the aims and forms of relationships, the views of foreign scholars to the essence of these conflicts are also studied.

Keywords and expressions: ethno-political relations, ethnicity, the Arab-Israel and Kurdish problems.

XX аср ўрталари ва XXI аср бошларида халқаро муносабатлар тизими ва жаҳон сиёсатида этник омил катта ўрин тута бошлади. Сиёсатшунослик фанларида этник омилни ўрганиш муҳим объектга айланди. Сиёсий таҳлилчилар томонидан эса, этносиёсий муносабатлар давлатларнинг нафақат ички, балки ташқи сиёсатида ҳам муҳим омил бўлиб бораётганлиги кенг миқёсда талкин қилина бошланди.

Яқин Шарқ минтақаси этник жихатдан ўзига хос хусусиятга эга. Минтақада турли этносларнинг мавжудлиги, улар орасидаги мавжуд қарама-қаршиликлар минтақада барқарор сиёсий тизимни яратишни мураккаблаштиради. Энг муҳими, ушбу минтақадаги этносиёсий муносабатлар ўртасидаги муаммо ва мураккабликлар миллий ҳамда хорижий сиёсатшунослар ва олимлар томонидан чуқур ўрганилмаган. Ваҳоланки, минтақадаги деярли барча можаролар негизида этносиёсий ва этноконфессионал муносабатлар ўртасидаги зиддиятлар ётади.

Яқин Шарқ минтақаси кўп миллатлилиги билан бирга, дунёдаги йирик динлар – ислом, христиан ва яҳудий дин вакиллари учун ҳам муҳим аҳамият касб этувчи минтақа ҳисобланади. Айнан мазкур минтақада диний ва конфессионал зиддиятларни кўп учратиш мумкин. Бундай зиддиятлар қайсидир маънода минтақа аҳолиси этник генезисининг шаклланишига ўз таъсирини кўрсатган ва

лар

да этносиёсий
муносабатлар
муносабатларнинг
ва вазифалари,
ган.

иол ва курдлар

иополичес-
х и курдских
й науки. Рас-
и формы дан-

ть, арабо-из-

al relations in
e fundamental
tive forces in
these conflicts

and Kurdish

тизими ва
шунослик
ий таҳлил-
фақат ич-
иғи кенг

а. Минта-
рама-қар-
блаштир-
отасидаги
ослар ва
и деярли
осабатлар

рик дин-
ият касб
ессионал
ода мин-
сатган ва

кўрсатиб келмоқда. Шу боис, минтақадаги сиёсий вазиятнинг ўзига хос хусусия-
ти шундаки, минтақада нафақат этник муносабатлар, балки бир этносга мансуб
бўлган халқлар ўртасидаги муносабатлар ҳам ижтимоий-иқтисодий ривожла-
нишда ва давлатлараро муносабатларда катта ўрин тутиб келган.

Айтиб ўтиш лозимки, минтақадаги этник камчилик, диаспора, этнокон-
фессия ва жамиятдаги катта кучга эга этнослар ўртасида бўлиниш бўлиб,
ўзаро интеграцияга ўтишда ёки сиёсий жараёнларда иштирок этишда жуда
эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилади. Албатта, минтақада этнослар орасида
тенг ҳуқуқлилик йўқ, лекин аниқ бўлган ўзаро боғлиқлик ва озроқ бўлса-да,
ўзаро очиклик мавжуд¹.

Яқин Шарқ минтақасида истиқомат қилувчи аҳолининг катта қисми
арабларга тўғри келса, кейинги ўринларда, турклар, форслар, курдлар, яху-
дийлар, черкеслар, арманлар, туркманлар, лазлар, балужлар, қисман юнон-
лар, оссурлар ва бошқа миллат вакиллари яшайди. Мазкур этносларнинг
жойлашувига тўхталадиган бўлсак, Исроилда 7 млн. аҳоли бўлиб, шундан
75% и яхудий, 20% и араб, 4–5% и бошқа миллат вакиллари, Сурияда 80% и
араб, 13% и курд, 2% и арман, 2% и черкес, 3% и бошқа миллат вакиллари
(туркман, яхудий ва б.), Иорданияда 87% и араб, 3% и яхудий, 3% и черкес,
7% и бошқа миллат вакиллари, Ливанда 95% и араблар, 4% и арман, 1% и
бошқа миллат вакиллари, Туркияда 80% и турк, 15% и курд, 1% и арман, 1%
и озарбайжон, 0,4% и лаз, 4–5% и бошқа миллат вакиллари, Ироқда 75% и
араб, 20% и курд, 4% и туркман, 1% и бошқа миллат вакиллари, Эронда 74%
и форс, 16% и араб, 4% и курд, 2% и туркман, 1% и балуж, 3% и бошқа
миллат вакиллари истиқомат қилишади². Ушбу халқлар диний конфессио-
нал жиҳатдан ҳам турли кўринишга эга ва бу ўта сиёсий аҳамият касб этади.

Яқин Шарқ минтақасидаги юқоридаги ҳолат, яъни аҳолининг географик
жойлашуви ҳолатидан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, минтақа
давлатларидаги этносиёсий муносабатлардаги зиддиятлар ҳам, ўзаро ҳам-
корлик ҳам асосан кўпчиликни ташкил этувчи миллат ва ундан кейинги
ўриндаги кўпчиликни ташкил этувчи миллат ўртасида юзага келмоқда. Бу –
бутун минтақа давлатлари учун хусусиятли бўлиб, минтақа хавфсизлигини
таъминлашда давлатлараро муносабатларни ташкил этишда ва умуман,
жаҳон сиёсатида катта ўрин тутмоқда.

Алоҳида қатлам бўлиб шаклланган халқлар, ўз қадрият ва ўзлигини англаш
жараёнлари ушбу минтақада XX асрга келиб бошланди. Усмонли турклар импе-
риясининг кулаши, минтақадаги этносиёсий муносабатларни кескин ўзгартириб
юборди. XX аср ўрталарига келиб, Яқин Шарқда ўзлигини англаш, ўз миллий
давлатига эга бўлиш жараёни кўтарилиши минтақада бир қанча этник можаро-
ларни келтириб чиқарди.

Бундай этник можароларга араб–исроил, араб–курд, турк–курд, араб–
форс, форс–курд ва бошқаларни келтириб ўтиш мумкин.

¹ Балаиов Ю. А. Некоторые особенности системы межэтнических коммуникаций в регионе Ближнего и Среднего востока. Интернет манба: <http://www.islamrf.ru/news/culture/islam-world/2499/17.04.2008>.

² Маълумотлар барча давлатларнинг расмий веб-сайтларидан олинган.



Араб-исроил можароси дунёдаги барча можаролар ичидаги мураккаб ва энг узоқ муддатли можарога айланди. Баъзи адабиётларда бу Яқин Шарқ можароси номини олган бўлса, баъзи адабиётларда мохиятан икки жамият ўртасидаги можаро¹ деб номланмоқда. Унинг бошланишига 1947 йил Фаластин ҳудудида яҳудий давлатини ташкил этиш асосий сабаб бўлди².

Эрец Исраэлга³ қайтиш яҳудийлар миллий-озодлик ҳаракатининг (сионизм) асосий мақсади бўлган. Яҳудий аҳолиси Қуддус ва Тверия атрофларида яшашган. Шунингдек, уларнинг катта жамоаси Ифат ва Хевронда жойлашган. Аммо, Эрец Исраэл араб-мусулмон ва христиан жамоалари учун ҳам катта ўрин тутадиган этномаданий минтақа ҳисобланиб келган.

Биринчи жаҳон уруши тугаганидан сўнг, ғолиб давлатлар Усмонли турклар ҳукмронлиги остидаги ҳудудларни тақсимлаб олдилар. Шу аснода, 1921 йил Фаластин британияликлар мандати остидаги ҳудудга айланди. Бу яҳудийлар учун асрлар давомида орзу қилиб келган ўз давлатини барпо этиш имкониятини пайдо қилди. Иврит инглиз ва араб тили каторидаги расмий тил деб эълон қилинди⁴.

Араб миллатчилиги араб дунёсида яҳудийларни ўзини англаш ва миллий давлатчилигини ташкил этиш борасидаги интилишларига қарши чиқди. Яҳудийларнинг зиёли қатламлари ўз миллий давлатини қуриш хатти-ҳаракатини олиб бораётган бир пайтда, фаластинликлар ўз мустақиллигини ташкил этиш ва ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолиш учун қардош халқларга суяна бошлади. Ҳатто, фаластинлик етакчилар араб бирлашуви билан мусулмонлар бирлашувини ажратиш ҳам ололмаган⁵. Шу сабабли ҳам ўша пайтларда етакчи араб давлатлари томонидан Фаластин тақдири турлича ҳал қилинди.

Албатта, араб бирлиги бошланишида ўз самарасини берди. Жумладан, Араб давлатлари лигасида 1952 йил Ғазо секторида уруш бошланишидан олдин биринчи Фаластин ҳукуматини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди⁶. Лекин, уни сақлаб қолиш ва Фаластин давлатининг ҳудудий яхлитлигини таъминлаш масаласи амалга ошмай қолди.

Араб-исроил уруши Яқин Шарқда этносиёсий вазиятни қуйидаги радикал тарзда ўзгартириб юборишга олиб келди:

1. Яхлит ҳудуд араб ва исроилликлар ўртасида бўлинди. Араблар қўл остида бўлган ерларнинг бир қисми исроилликлар бошқарувига ўтган бўлса, қолган қисми фаластинликлар эмас, балки қўшни араб давлатларининг назоратига ўтди.

¹ Oren Barak, "The Failure of the Israeli – Palestinian Peace Process, 1993–2000" // "The Journal of Peace Research", vol. 42, no. 6 (2005). – P. 719–736.

² Современные международные отношения. Под ред. А. В. Торкунова. – М.: МГИМО, 2001. – С. 584.

³ Ҳозирги Исроил, Фаластин ҳудудларини яҳудийлар иврит тилида шундай номлашган.

⁴ Чернин В. Этническая карта Израиля: история, проблемы и перспективы развития // Интернет манба: <http://www.iimes.ru/?p=1155321> октябрь, 2010.

⁵ Добаев И. П. Политические институты исламского мира: идеология и практика. – Ростов-на-Дону, 2001. – С. 28.

⁶ Kontorer D. UltimaThule // Vesty 1992 Ltd., Tel Aviv. Интернет манба: http://www.judaica.ru.org/Info/polit_19_02_04.html



2. Исроил
нуви рўй
тарк этди
эса кўпла
чокларга
сида Иср
бўлса, ар
Исроилга

Баъзи
ортик қоч
қилиш уч
қабул қил

Исроил
Уларнинг
эди. Шун
қолди. Ис
олиб бор
қолиш ва

Ғарб
тезда оёқ
ларнинг с
Исроил
араб-мус
ошмади.

гига қара
эканлиги

Бунда
олдиндан
лиш лоз
мот ўрни
мушга ч
рининг э
жамиятд
ликда, б
камчили
яхудийл

Халқ
қилиш м
часига а
қийин ва

¹ Чернин
Интернет

² Соколов
– 1949 гг.

³ Чернин
Интернет

2. Исроил ва араб давлатлари ўртасида халкларнинг бутунлай алмаши-нуви рўй берди. Яхудийлар араблар қўл остига ўтган ҳудудларни бутунлай тарк этди ва Исроил ёки Ғарб давлатларига ўтди. Исроил давлати ҳудудидан эса кўплаб араблар ўз уйларини ташлаб кетаркан, уларнинг кўпчилиги қочоқларга айланди. Араб ва исроилликлар ўртасидаги этник можаро натижа-сида Исроил ҳудудидан 600–700 минг араблар ўз уйларини ташлаб кетган бўлса, араб давлатларидан Исроил ҳудудига 1 миллионга яқин яхудийлар Исроилга кўчиб ўтди¹.

Баъзи манбаларга кўра, араб–исроил уруши натижасида 1 миллиондан ортиқ қочоқлар Яқин Шарқда пайдо бўлди. Ҳатто, уларнинг тақдирини хал қилиш учун БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 20-сонли махсус резолюция қабул қилинган².

Исроил ҳудудида яхудий бўлмаган оз кўринишдаги этник камчилик қолди. Уларнинг катта қисми араб тилида сўзлашувчи христиан ва друзлар жамоаси эди. Шунингдек, давлатда черкес ва арман этник озчиликлари ҳам сақланиб қолди. Исроил ҳукумати мазкур этник озчиликларга нисбатан оқилона сиёсат олиб борди. Уларнинг ўзлигини ва ўз урф-одат ҳамда қадриятларини сақлаб қолиш ва амал қилишларига етарлича имкониятлар яратиб берди.

Ғарбнинг, айниқса, АҚШнинг моддий ёрдами эвазига Исроил иқтисодиёти тезда оёққа турди. Аҳолининг турмуш тарзи яхшиланди. Бу – Исроилдаги араб-ларнинг сезиларли даражада демографик ўсишига ҳам олиб келди. Бу ҳолатдан Исроил ҳукумати ташвишга тушмоқда. Сабаби, исроиллик араблар орасида араб-мусулмон, араб-христиан бўлиниши исроилликлар ўйлаганчалик амалга ошмади. Аксинча, араб бирлиги, унинг қайси дин ёки конфессияга тегишлили-гига қарамасдан кучайиб борди. Улар орасида миллийлик кўп нарсадан устун эканлиги аниқ бўлиб қолди.

Бундай бўлишини Исроилнинг биринчи бош вазири Давид Бен-Гурион олдиндан кўргандек, “Исроиллик арабларни яхудийларга ассимиляция қи-лиш лозим” деган гояни берган эди³. Лекин, бу гоя амалга ошмади. Маълумот ўрнида айтиб ўтиш керакки, кўплаб исроиллик қизлар арабларга тур-мушга чиқмоқда. Ёки бўлмаса, араблар орасида, яхудийлар орасида бир-би-рининг эътиқодини қабул қилиш жараёнлари ҳам йўқ эмас. Лекин, барибир жамятда араб-яхудий халқлари орасида фарқлар сақланиб қолмоқда. Энди-ликда, бу Исроил давлати учун етарлича хавф-хатар деб баҳоланмоқда. Араб камчилиги демографик ўсишни шундай сақлаб қолса, бир неча йилдан сўнг яхудийларга тенглашиб қолиши муқаррар.

Халқаро муносабатларда демократия омили ва инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилиш масалалари кучайиб бораётган бир пайтда Исроил ҳукуматининг очик-часига апартеидга бориши, демократик принципларни йўққа чиқариши жуда қийин ва Исроил давлатининг халқаро ҳамжамятдаги имиджига ҳам ўта салбий

¹ Чернин В. Этническая карта Израиля: история, проблемы и перспективы развития // Интернет манба: <http://www.iimes.ru/?p=11553> 21 октябрь, 2010.

² Соколов Д. Палестинская трагедия и истоки палестинского движения сопротивления (1917 – 1949 гг.) // Палестинский Сборник. Вып. 26. – Л., 1978. – С. 19–20.

³ Чернин В. Этническая карта Израиля: история, проблемы и перспективы развития // Интернет манба: <http://www.iimes.ru/?p=11553> 21 октябрь, 2010.

таъсир кўрсатиши муқаррар. Шу ҳисобдан олиб қараганда, келажакда Исроил давлати кўшни араб давлатлари билан эмас, балки ички сиёсатида ўз фуқаролари бўлган араб-яхудий халқларини мурасага келтириш масаласида жиддий муаммоларга дуч келиши эҳтимолдан холи эмас.

Яқин Шарқдаги араб-исроил можаросидан кейинги “бош оғриқ” курдлар муаммосидир. Курдлар масаласи Яқин Шарқ давлатларининг этносиёсий муносабатларини тўғри тизимга қўйиш учун катта муаммоли масаладир. Курдлар муаммоси араб-исроил қарама-қаршилиги каби чуқур ўрганилмаган бўлса-да, Яқин Шарқдаги узоқ вақтдан бери ҳал қилинмаган этник муаммо бўлиб қолмоқда. Курдлар Яқин Шарқдаги қадимий халқ бўлиб, дунёдаги ўз мустақил давлатига эга бўлмаган ягона энг кўп миллат ҳисобланади¹. Курдлар ўзининг миллий ҳукуки, қолаверса, ўз ҳудудида яшаш эркинлиги учун курашмоқда².

Курд муаммоси ўта нозик ва долзарб. Унинг асосий элементи бу – курд халқининг бўлингандир. Курдлар бутунги кунда Туркия, Эрон, Ироқ ва Сурияда, шунингдек, қисман Исроил, Марказий Осиё, Кавказ ва Европа давлатларида истиқомат қилишади. Курдларнинг умумий сони тахминан 20–30 дан – 40 ми=ллионгача деб кўрсатилмоқда³. Жойлашувига кўра, курдларнинг 47–54% и (15 млн. га яқин) Туркияда, 20–32% и (6,6 млн.) Эронда, 16–20% и (6 млн.) Ироқда, қолган қисми бошқа давлатларда (Сурияда – 2,8 млн., Германияда – 800 минг, Озарбайжонда – 150 минг, Исроилда – 100 минг, Ливанда – 80 минг, Туркменистонда – 40 минг, АҚШда – 20 минг) истиқомат қилади⁴. Курдлар яшайдиган ҳудуд 400 минг кв. км.⁵, баъзи манбаларда 500 минг кв. км.⁶ ни ташкил этиб, ҳудудий жиҳатдан ҳозирги Франция давлати билан тенг келади.

Усмонли турклар империясининг қулаши билан унинг ҳудуди Англия ва Франция давлатлари томонидан бўлиб ташланди. Сайкс-Пико (1916), Версаль (1919), Севр (1920), Лозанна (1923) шартномалари асосида империя ҳудудлари парчаланиши курдларни ўз-ўзидан минтақадаги тўртта давлатга – Туркия, Эрон, Ироқ ва Сурияга ажратиб ташланишига олиб келди⁷. Мазкур тўртта давлатда муқим яшовчи курдлар билан қарама-қаршиликлар юзага келди. Айнан, курдларга қарши сиёсатда ушбу давлатлар бирлашди.

Диний нуқтаи назардан курдларнинг катта қисми – тахминан 75% – мусулмон сунний, 15% – мусулмон алавий ҳисобланади. Улар шимолий ва ғар-

¹ Трофимов А. А. Курдская проблема и региональные отношения // Ближний Восток и современность. – М., 2003. – С. 64.

² Курдский вопрос на Ближнем Востоке. Часть 1 // Интернет манба: http://islam-today.ru/politika/kurdskiy_vopros_na_blizhnem_vostoke_chast_1

³ Кава Диббо. Регионально-международный аспект курдской проблемы // Интернет манба: www.middleeast.alfacom.net.ru

⁴ Курдский вопрос на Ближнем Востоке. Часть 1 // Интернет манба: http://islam-today.ru/politika/kurdskiy_vopros_na_blizhnem_vostoke_chast_1

⁵ Ильгар Велизаде. Курдский вопрос для Ближнего Востока 07/03/2008 // Интернет манба: <http://www.newsazerbaijan.ru/expert/20080307/42197583.html>

⁶ Камаль Буркай. Курдский вопрос – история и современность // Интернет манба: <http://www.aha.ru/~said/kamal.htm>

⁷ Трофимов А. А. Курдская проблема и региональные отношения // Ближний Восток и современность. – М., 2003. – С. 64.



бий Курдистонда ва Эроннинг Хуросон вилоятида яшашади. Эрон ва Ироқда курд алавийларига яқин алоқада бўлган шиалар, фейлий, ахлихали конфессия гуруҳлари ҳам мавжуд. Шунингдек, курдларнинг христиан ва зардуштийликка эътикод қилувчи вакиллари ҳам мавжуддир¹.

Турк-курд муносабатлари даставвал яхши бўлган. Лозанна шартномасигача турклар ва курдлар бирлашган ҳолда ягона давлат қурувчи жамият сифатида қаралган. 70 га яқин курдлар биринчи парламентда курд халқининг вакиллари сифатида фаолият юритиб, улар расмий равишда “Курдистон парламенти аъзолари” деб номланган. Лозаннада турк вакили “Курдлар ва турклар – тузилаётган республиканинг асосидир. Курдлар – этник камчилик эмас, балки миллатдир. Анқара ҳукумати – турк ҳукумати каби курдларники ҳамдир”, деб таъкидлаганди². Лекин, Лозанна шартномаси имзоланганидан сўнг, Анқара ўз позициясини ўзгартирди. Отатурк ҳокимиятни жиловлар экан, Туркиядаги бошқа миллат вакилларининг мавжудлигини инкор қилувчи миллатчилик сиёсатини олиб борди. Ҳатто, уларни ўз анъаналарини бажаришига тўсқинлик қилувчи хатти-ҳаракатлар олиб борди. Биргина мисол сифатида 1998 йил 21 март куни турк Курдистони маркази Диярбакирда курдлар миллий байрамларидан наврўзни нишонлаш пайтида турк ҳукуматининг аралашуви содир бўлди. Натижада, курдларнинг озодлик учун ва камситишга қарши кураши юзага келди. Курдларнинг бу кўтарилишида саккиз киши ўлди, 50 киши жароҳатланди, юзга яқин курдлар қамоққа олинди³. Бундай кўтарилишлар йилдан-йилга содир бўлмоқда. Маълумки, Туркиянинг жануби-шарқий вилоятларида 40 йилдан бери фавқулодда вазият бўлиб, курдларнинг миллий жамоат ташкилотлари устидан қаттиқ назорат олиб борилмоқда.

Туркияда курдлар яшайдиган минтакаларда аҳолининг иқтисодий ўсиш даражаси давлатнинг бошқа минтақалари ўртача ўсиш даражаларидан тўрт-беш баробар паст. Шунингдек, ишсизлик жуда баланд бўлиб, аҳоли учун оддий шароитлар – электр энергияси, алоқа воситалари ва коммуникация тармоқлари деярли йўқ.

Туркларнинг курдларга нисбатан бундай муносабати курд миллий сепаратизмининг пайдо бўлишига олиб келди. 1978 йил Абдулла Ожалан бошчилигида Курд ишчилар партияси тузилди. Мазкур партия Туркиядаги курдларнинг сиёсий манфаатларини ҳимоя қила бошлади. 1984 йил Шарқий Анатолияда Туркия ҳукуматига қарши ҳаракатлар олиб борди. Ҳозиргача, ушбу партия билан Туркия ҳукумати ўртасида ўзаро келишувга эришилгани йўқ. Эронда ҳам курдлар ўз-ўзини миллат сифатида англаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Эронда ислом оминининг кучлилиги сабабли мамлакатда мусулмон жамоасининг орасида миллийликни тарғиб қилиш ёки амалга ошириш қийин масала. Шу боис, курдлар ҳам миллийлик ҳаракатларини олиб боришда жуда кўп қийинчиликларга дуч келди. Маълумот ўрнида айтиб ўтиш керакки, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Эроннинг курдлар яшайдиган ҳудудида Курдистон демократик партияси тузил-

¹ Курдский вопрос на Ближнем Востоке. Часть 1 // Интернет манба: http://islam-today.ru/politika/kurdskiy_vopros_na_blizhnem_vostoke_chast_1

² Камаль Буркай. Курдский вопрос – история и современность // Интернет манба: <http://www.aha.ru/~said/kamal.htm>

³ Karahdai Kamran. Navruz 98//Al-Hayat, 1998.

ди ва кейинчалик ушбу ҳудудда Махабад Республикасини ташкил этди. Лекин, кўп ўтмай Эрон ҳукумати Ғарб давлатларининг ёрдами билан мазкур Республикани тугатишга эришди. Шох режими кулаган пайтда ҳам курдлар яна қўзғалди, аммо уларнинг навбатдаги уруниши ҳам ўз самарасини бермади¹.

Курдлар масаласи Ироқда ҳам ўта муаммоли бўлиб, Ироқ ҳукумати ҳатто, курд миллатига нисбатан геноцид сиёсатини олиб борган, мажбурий араблаштирилган ёки бошқа ҳудудларга депортация қилиб юборилган ҳолатлар бўлган².

Замонавий даврда курдларнинг ривожланиши учун муҳим жой Жанубий (Ироқ) Курдистон ҳисобланади. Чунки, бунга бир неча омиллар бор. Биринчидан, ўрта асрлардан курдлар бу ерда ўз давлатини пайдо қилишга киришган, иккинчидан, Жанубий Курдистон ҳудудида биринчи курд миллий озодлик ҳаракати (Шайх Маҳмуд Барзоний бошчилигида) пайдо бўлган³.

Жанубий Курдистон – нефтга бой ҳудуд ҳисобланади, шунингдек, сув ресурсларига жуда қулайки, Ироқдаги 60% бугдой ва 40% арпа мазкур ҳудудда етиштирилади. Курдларнинг кўплаб зодагон дехқонлари ва бойлари ҳам шу ҳудудлардан чиққан.

Ўтган асрнинг 90-йилларигача Ироқда курдларнинг нафақат араблар билан, балки бир-бири билан ҳам муросасиз келишмовчиликлар бўлиб турган. Буни 1975 йил Мустафо Барзонийнинг Демократик партиясидан ажралиб чиққан Курдистон ватанпарвар иттифоқи партияси (Жалол Талабоний бошчилигида) ўрта-сидаги зиддиятларни олиш мумкин. Ироқдаги курдларнинг ажралишига минтақадаги курд муаммосига Мустафо Барзоний ўзининг иқтисодий манфаатлари йўлида қараганлиги сабаб бўлган.

Ироқ курдларининг олиб борган тинимсиз ҳатти-ҳаракатлари натижасида Ироқда Курд Автоном Республикаси ташкил этилди. Парламентда ҳам улар учун маълум квоталар ажратилди. 1990 йилда эса курд тили минтақавий тил деб эълон қилинди⁴.

2003 йил АҚШ бошчилигидаги Халқаро Иттифокчи Кучларнинг Ироққа киритилиши ва Саддам Хусайн ҳукуматининг тугатилиши курдларга янги имкониятлар эшигини очди. Ироқда ягона бўлган курдлардан иборат 100 минг кишилик армия – “пешмерга” ташкил этилди⁵. Курд тили араб тили сингари давлат тили деб эълон қилинди.

¹ Камаль Буркай. Курдский вопрос – история и современность // Интернет манба: <http://www.aha.ru/~said/kamal.htm>

² Трофимов А. А. Курдская проблема и региональные отношения // Ближний Восток и современность. – М., 2003. – С. 65.

³ Виталий Трофимов. Ирак после оккупации. Этнополитический кризис // Интернет манба: <http://www.peoples-rights.info/irak-posle-okkupacii-etnopoliticheskij-krizis>

⁴ Курдский вопрос на Ближнем Востоке. Часть 3 // Интернет манба: http://islam-today.ru/politika/kurdsij_vopros_na_blizhnem_vostoke_chast_3

⁵ Маълумки, С.Хусайн ҳукумати тугатилганидан сўнг давлатнинг миллий армиясига эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган эди. Шундай бўлса-да, мамлакатда курдлардан иборат 100 минг кишилик армия тузилди. Бу амалда Ироқда курдларнинг ролини ва таъсир доирасини кенгайтиришни англатар эди.

Ҳозир
қўзлама
Федерат
Автоном
Курдистон
қўпол си
курдлаш
сад – ид
этниқ кам
ларни ол
ларнинг
мақсади

Ироқ
Эрон ва
кага туш
каттиқ ко

Сури
қўплаб
ҳам йўқ.
лим оли
лардан м

Ироқ
ватлайди
мини бер
чиқиб, р
лар орас
лари Дем
га ҳарак
рувчи Ку

Курд
эга. Сур
да катта
курдлар
хавф ту

Умум
батларда
да барка

¹ Виталий
<http://www.aha.ru/~said/kamal.htm>

² Ўша жой

³ Жигали
манба: <http://www.aha.ru/~said/kamal.htm>



Ҳозирги вақтда Барзоний ва Талабоний араб жамиятининг манфаатларини кўзламаган ҳолда Ироқни иккига ажратиб олган. Агар Жалол Талабоний Ироқ Федератив Республикасининг президенти бўлган бўлса, Масъуд Барзоний Курд Автоном минтақасини олиб, Ироқ Курдистонининг президенти бўлди¹. Ироқ Курдистони миллий ассамблеяси 2006 йилдан арабларга нисбатан очикчасига қўпол сиёсат олиб борди. Араблар яшайдиган Киркук ва Мосул ҳудудларини курдлаштириш мақсадида арабларни ўлдиришди ва депортация қилишди. Мақсад – идеал жихатдан Курдистонни арабларсиз кўриш эди. Шу боис, кўплаб этник камчилик (туркманлар, оссурлар ва халадейлар) бир қанча маданий ҳуқуқларни олган бўлса-да, лекин арабларнинг барча ҳуқуқлари бекор қилинди. Арабларнинг Киркук ва Мосул провинцияларидан қувиб чиқарилишининг асосий мақсади нефть манбаларини назорат қилиш бўлган².

Ироқ воқеасидан сўнг курд этник камчиликлари яшовчи давлатлар – Туркия, Эрон ва Сурия хавотирга тушиб қолдилар. Айниқса, Эрон билан Сурия таҳликага тушиб, курдларнинг Ироқ ҳокимиятини эгаллашдаги хатти-ҳаракатларини қаттиқ қоралади.

Сурияда курдлар икки миллионни ташкил этади. Курдлар мамлакатда кўплаб дискриминацияга учрайди. Уларнинг кўпчилигининг фуқаролиги ҳам йўқ. Улар “хорижликлар” ёки “илдизи йўқ халқлар” деб номланиб, таълим олиш, давлат ташкилотларида ишлаш, сайловда қатнашиш каби ҳуқуқлардан маҳрум қилинган.

Ироқдаги курдлар Суриядаги курдларнинг миллий ҳуқуқларини қўллаб-қувватлайди. Сурия Курдистонини ташкил этиш ҳаракатларида М.Барзоний ўз ёрдамини беришга тайёр. Энг қизиги Суриядаги курдларни ўз манфаатларидан келиб чиқиб, расмий Анкара ҳам қўллаб-қувватламоқда. Турклар М.Барзонийни курдлар орасида етакчи шахс деб ҳисоблаб, унинг кўмагида Суриядаги курд партиялари Демократик иттифоқ партияси ва Курд миллий маслаҳатини бирлаштиришга ҳаракат қилиб келишмоқда. Улар Сурия Курдистонида вақтинча ўзини бошқарувчи Курдистон Олий Маслаҳат органини ташкил этди³.

Курд масаласи Суриядаги ҳозирги қалтис вазиятларда ҳам катта ўринга эга. Сурияда вазият оғирлашадиган бўлса, Ироқдаги каби курдлар мамлакатда катта таъсир доирасига эга бўлиши муқаррар. Бу ҳолатда Яқин Шарқдаги курдларнинг таъсир доираси кенгайиши ва Эрон ҳамда Туркия учун катта хавф туғдириши мумкин.

Умуман олганда, курдлар масаласи Яқин Шарқдаги этносиёсий муносабатларда, минтақанинг сиёсий жараёнларида катта ўрин тутмоқда. Минтақада барқарор вазиятни ташкил этиш истиқболда кўп жихатдан курд муаммо-

¹ Виталий Трофимов. Ирак после оккупации. Этнополитический кризис // Интернет манба: <http://www.peoples-rights.info/irak-posle-okkupacii-etnopoliticheskij-krizis>

² Ўша жойда.

³ Жигалина О. И. Курдский вопрос в Сирии и турецко-курдские отношения // Интернет манба: <http://www.iimes.ru/?p=15311> 9 августа, 2012.



сининг ҳал қилинишига боғлиқ. Курдлар сиёсий мақсадларини амалга оширишни тўхтатмас экан, Туркия, Эрон, Ироқ ва Сурияда курд омили долзарблигича қолаверади.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, Якин Шарқда аҳоли этник кўпчилик ва этник озчиликка ҳамда бир нечта диаспораларга эга. Улар ўртасидаги муносабатларнинг ҳолатига қараб, минтақадаги вазият гоҳ салбий, гоҳо ижобий томонга ўзгаради. Лекин, минтақа ўзининг этносиёсий муносабатларида ҳар доим қалтис ва хавфлидир. Чунки, тарихий тараққиёт жараёнида этнослар орасида кучли зиддиятлар вужудга келган ва бу зиддиятлар яна кўтарилишини ҳеч ким инкор эта олмайди. Бу – минтақа этносиёсий масалаларининг доимо долзарб аҳамият касб этиб боришини ва унинг устида мунтазам ўрганишлар олиб боришни тақозо этади.

Босишга рухсат этилди. 20.11.14. Бичими 1/16. Шартли 9,5 б.т.

200 нусхада, оригинал-макет асосида босилди.

Буюртма № 94. Баҳоси келишилган нархда.

Тошкент давлат шарқшунослик институтининг кичик
босмахонасида босилди.

Тошкент, Шахрисабз кўчаси, 25.

© Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2014